

14
январь

Ватан ҳимоячилари
куни

“Мен, албатта,
учувчи бўламан!”

“Ҳамзат
Цадасанинг
ўгли Расул”
деб!

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

ЖАМИЯТ

№ 1 (686)
2020 йил
10 январь,
Жума

Ижтимоий-сиёсий газета 2006 йил 31 августда ташкил этила бошлаган www.bong.uz @ jamiyatgzt@mail.ru

Никоҳ шартномаси
оилавий ажримларга
барҳам беради... ми ?

Санъат
Санъатда

айланса...

Ушбу сонда:

**ҚИСКА
САТРЛАРДА
ЎҚИҢ!**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 январь куни қурилиш соҳидаги ислохотларни янада жадаллаштириш бўйича устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказди.

Президентимиз раислигида 2019 йил 20 декабрь куни ўтказилган янги қабул қилинган солиқ сиёсати концепциясини амалиётга таъбиқ қилиш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишида билдирилган фикрлар кўпчилик қатори депутатларни ҳам мушоҳадага чорлади.

Парламентнинг қуйи палатасида янги тахрирдаги Солиқ кодекси узоқ давом этган муҳокамалардан сўнг қабул қилиниб, Президентимиз томонидан имзоланди. Хўш, жорий йил 1 январдан кучга кирган янги тахрирдаги Солиқ кодексидан қандай ўзгаришлар бўлди ва улар халқимизга нима наф беради?

Мақсуд ҚУРБОНБоев,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Янги тахрирдаги Солиқ кодексидан мамлакат тараққийнинг таянчи бўлган инсофли, ҳалол солиқ тўловчиларни рағбатлантириш, яширин фаолият юритаётганларнинг қонуний ишлаши учун шарт-шароит яратишга кизмат қиладиган нормаларга ўрин берилди. Бундан кўзланган мақсад фуқароларимиз солиқдан қочини эмас, балки уни вақтида тўлашдан манфаатдор бўлишига эришиш.

Кодексида солиқ объектлари ва солиқ тўловчиларнинг ҳисобини юритиш, ушбу муносабатларда инсон омили таъсирини камайтиришни таъминлайдиган ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш каби муҳим масалаларга жиддий эътибор қаратилди. Жумладан, солиқ тўловчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чораларини янада камайтириш, шунингдек, қонунчилик техникаси талабларидан келиб чиқиб, солиқ органлари томонидан киритилаётган молиявий санкцияларни кўзда

тутувчи 10 дан ортиқ модда Кодексида чиқариб ташлангани фикримиз таслиғи.

Абдурашид Тўхтабоев,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Янги тахрирдаги Солиқ кодексидан солиқ органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган ҳолда, уларнинг жавобгарлиги ҳам кучайтирилди.

Кодексида асосий воситалар объектлари, шу жумладан, кўчмас мулк объектлари харид қилинганда (барпо этилганда) кўшимча қиймат солиғи (ҚҚС) бериўла ҳисобга олиншини назарда тутувчи тартиб жорий этилиши билан солиқни тўлаш тартиблар ҳам соддалаштирилди. Шунингдек, қўшилган қиймат солиғини қайтариб бериш тизими тубдан ўзгартирилди. Яъни, батафсил камерал текширув ўтказилганидан кейин ҚҚС бўйича “манфий” қолдиқ суммасини қайтариш ҳуқуқи тақдим этилади.

Кодексида солиқ турлари 13 тадан 9 тагача камайтирилди. Шунингдек, ягона ер солиғи, давлат божи, божхона тўловлари ва тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ турлари бекор қилинди.

Комилжон Эрназаров,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Тадбиркорлик субъектлари манфаатларини инобатга олган ҳолда, солиқ органларига таҳлика-таҳлил асосида камерал солиқ текширувлари, сайёр солиқ текширувларини ва солиқ аудитини тайинлаш

Янги тахрирдаги солиқ кодекси нималарни ўзгартирди?

ҳуқуқини берадиган солиқ назоратини амалга оширишнинг янги, тақомиллаштирилган тартиби жорий этилмоқда.

Солиқ органлари томонидан солиқ текширувлари фақат Кодексида назарда тутилган ва уларни ўтказиш тартибини белгилайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганидан кейин ўтказилиши белгилаб қўйилди. Хусусан, Солиқ кодексига биноан, солиқ текширувларининг бир нечта тури ўрнатилмоқда. Хусусан, камерал солиқ текшируви (солиқ тўловчининг ҳисоботини солиқ органида ўрганиш ва уни божхона органлари, банклар, энергетика корхоналари, кадастр ва бошқа тархоннинг маълумотлари билан солиштириш), бунинг натижасида солиқ тўловчи солиқ ҳисоботида тузатишлар киритиши ёки асослантирилган сабабларни кўрсатиши керак.

Камерал солиқ текширувини ўтказиш учун солиқ органи раҳбарининг (раҳбар ўринбосарининг) буйруғи бўлиши шарт. Шу билан бирга, камерал солиқ текшируви доирасида солиқ органининг мансабдор шахсига солиқ тўловчидан маълум бир солиқни ҳисоблашнинг тўғрилигини тасдиқлаш учун зарур ҳужжатларни талаб қилиш ҳуқуқи берилди, холос. Камерал солиқ текшируви натижалари бўйича молиявий санкциялар қўлланилмайди, лекин пеня ҳисоблаини мумкин.

Сайёр солиқ текшируви (солиқ тўловчининг айрим кўрсаткичларини жойига чиққан ҳолда ўрганиш)нинг мақсади эса, фақат фактларни қайд этишдан иборат. Сайёр солиқ текшируви солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш ҳамда бошқа мажбуриятлар бажарилиши масалаларида маълумот тўплаш учун амалга оширилади. Бунда сайёр солиқ текширув натижалари бўйича солиқлар кўшимча ҳисобланмайди ва молиявий санкциялар қўлланилмайди.

Абдуғани Умиров,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Янги тахрирдаги Солиқ кодексидан тадбиркорлик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ўрнига айланмадан солиқ тўлови жорий этилди. Шу билан бирга, бир қатор махсус солиқ режимлари бекор қилинди. Масалан, бозорлар учун уларни умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказган ҳолда, 2020 йил 1 январдан бошлаб, аввалги солиқ тўлаш тартиби (даромаднинг 50 фоизи) ўрнига янгилари жорий қилинди. Энди бозорлар умумдавлат солиқларини (агар реализация ҳажми 2019 йилда 1 миллиард сўмдан ошган бўлса), жумладан, юридик шахслардан олинандиган ер солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига олинандиган солиқ, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун со-

лиқ, қўшилган қиймат солиғи ва 20 фоизли оширилган ставкада фойда солиғини тўлайди. Реализация ҳажми 2019 йилда 1 млрд сўмдан кам бўлганда, айланмадан солиқни, шунингдек, юридик шахслардан олинандиган ер солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлайди.

Концерт-томоша фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар учун жисмоний шахслардан олинандиган даромад солиғини тўлаш тартиби жорий этилди. Шунингдек, концерт-томоша фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар учун эса, айланмадан солиқ (реализация ҳажми 2019 йилда 1 млрд сўмдан кам бўлганда) ёки умумбелгиланган тартибда тўланандиган солиқлар (реализация ҳажми 2019 йилда 1 млрд сўмдан ошганда) киритилди.

Шу билан бирга, ушбу фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун олинандиган давлат божининг миқдори деярли 4 бараварга камайтирилди.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари умумбелгиланган солиқ тўлашга ёки айланмадан солиқ тўлашга ўтказилмоқда. Шунингдек, ушбу тоифадаги солиқ тўловчилар учун фойда солиғининг ноль ставкаси белгиланиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш учун ишлатиладиган мол-мулк қисми бўйича мол-мулк солиғидан ва томчилатиб суғориш тизими жорий этилган ерлар учун ер солиғидан имтиёзлар сақлаб қолинмоқда.

“Жамият” мухбири
Нуриддин Убайдуллаев
ёзиб олди.

Депутатга гапим бор!

Бу йилги сайловларда мамлакатимизда аввалгиларга қараганда катта фарқ кузатилди. Жараён бошланди ҳамки, номзодларнинг дебати кескин суръатларда давом этди. Афсуски, жараёнлар “қовун” туширишларга-да бой бўлди.

Тўғри, иш бор жойда камчилик бўлади деганларидек, тарғибот-ташвиқот ишлари биров сусат бўлди. Балки шунинг учун 71,1 фоиз фуқаролар овоз беришда иштирок этгандир. 2014 йилги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашилари сайловларида ўз иш жойимда иштирок этганман. Шунга гувоҳ бўлганманки, кузатувчиларнинг кўзини шамғалат қилиб, яширинча 20-30 талаб бюллетенлар қўтига ташланган. Тағин, сезиб қолмасликларини учун бу иш

да эмас ҳар соат оз-оздан бажариларди. Қўтидан чиққан бўялмаган қоғозга белги қўйишдан осони йўқ эди. Ўша йили сайловда аҳолининг 88,94 фоизи иштирок этган экан.

Бундай сохтакорликка барҳам берилди. Хусусан, ОАВ аниқлашиб, камчилик ва қусурлар нисбатан яхшироқ баён этиб борилди. Нафақат ОАВ, балки аҳолининг ўзи ҳам вазиятни синчковлик билан ўрганиб, жараёнга ўзи баҳо берди, ўзлари ҳолисона ёндашди. Бу жамоатчилик назорати ҳам бирмунча ривожланётганидан дарак.

Шунга қарамай, депутатликка даъвогарлик қилган баъзиларга нисбатан қонун бузилиш ҳолатлари, эскиртдан қолган “чирок ўчмиш”и, бир киши қўлида бир нечта паспорт кўтариб чиқини ҳолатлари, афсуски, бу йил ҳам кузатилди. Агар шу иш бўлмаганда балки 71,1 дан ҳам камроқ кўрсаткич бўлар эди, назаримда. Ижтимоий тармоқларда эса бундан-да кўп дилина хира қиладиган воқеалар акс этган видеолар, “ёзишмалар” пайдо бўлди. Қувонарлиси, ўз вақтида Марказий сайлов комиссияси ва Бош прокуратура мавжуд ҳолатлар юзасидан текширув ишларини олиб борди. Тасвирга олинмаган, далили йўқ чекка худудлардаги сайлов округи ва

Жамоатчилик назорати

участкаларида фаолият қандай бўлгани номаълум.

Мана, қайта сайловлар ҳам ўтиб, сарағи саракка, пучаги пучакка чиқди. Бу ёғига барча депутатлар Ватан равнақи, ўз сайловчиси ишончини қозониш учун бор куч ва гайратини намоян этмоғи шарт. Шундай экан, ҳурматли депутатим! Сиз бизнинг вақлимизсиз, номимиздан бирор нима дейишдан олдин, илтимос, кўз олдингизга ота-онангиз, туғишган жигарларингиз, фарзандларингиз, қарияларингиз, ногиронлар, муҳтожлар, ёру дўстларингизни, жамиятимиз келажагини инобатга олинг!

Ноҳира СУЛАЙМОНОВА,
ЎЗЖОКУ талабаси



Ушбу саҳифа Олий Мажлис ҳузурдаги Нодавлат но-тижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг “Фаровон ҳаёт қонун устуворлигида” грант лойиҳаси асо-сида тайёрланди.



Қонунчиликка кўра, Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда — 6 кишидан сайланади.

Ибн Сино издошларини бутун дунё тилга олади

Буюк аллома-лар меросини ўрганиш, асраш ва тарғиб этиш сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан. Бунинг яққол исботини Ибн Сино жамоат фонди фаолиятида ҳам кўрамиз. Мазкур фонд нафақат мамлакатимиз, балки бошқа давлатларда ҳам турли илмий-амалий конференциялар, семинар ва давра суҳбатларини ўтказиш ташаббускори ва ташкилотчиси бўлиб келмоқда.

Дунё тиббиётига улкан ҳисса қўшган шифокор, олим ва файласуф Абу Али ибн Синонинг башариятга қолдирган бой меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш, хусусан, унинг маънавий-маърифий мероси асосида ватандошларимизни, айниқса, ёшларни тарбиялаш, бу умумбашарий меросдан чет эл фуқароларини хабардор этиш, инсонпарварлик хайрия ишларини амалга ошириш ва соғлиқни сақлаш тизими ислоҳотида фаол иштирок этиш мақсадида Ибн Сино жамоат фонди ташкил этилган.

Биламизки, Абу Али Хусайн ибн Абдуллоҳ ибн ал-Хасан ибн Али ибн Синонинг дунё цивилизацияси хазинасига қўшган ҳиссаси катта. Кун келиб ёшларимиз йирик олим яратган кашфиётларга унинг номи берилишига эришишларини хоҳлардим. Ахир, қанчадан-қанча кашфиётлар муаллифлар номи билан аталади. Ўқув даргоҳлардаги турли маънавий-маърифий, илмий-оммабоп тадбирлар давомида ўсиб келаётган авлоднинг миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, тарихий хотирани эъзозлаш, ўз юртидан, томирларида қони оқаётган аждоҳлардан фахрланиб яшашга ўргатишга йўналтирилган ишлар олиб бормоқдамиз. Фонд фаолиятида бу бирламчи масала.

2019 йил 25 апрелда Тошкент фармацевтика Институтини билан ҳамкорлик битими асосида «Абу Али ибн Сино ва замонавий фармацевтикада инновациялар» мавзусида илмий амалий анжуман ўтказилди. Анжуманда нафақат тиббиёт ва фармацевтика мутахассислари, балки шарқшунос экспертлар ҳам

қатнашиб, қўлезмалар асосида Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний ва Ар-Розийлар мероси ҳамда фармацевтика қўшган ҳиссалари тўғрисида маърузалар тайёрланди, мақолалар чоп этилди.

Халқаро ногиронлар кунига бағишлаб Фонд ва ҳамкорлари биргаликда хайрия тадбирлари ўтказди. Жумладан, ҳамкорлик битими асосида Тошкент врачлар малакасини ошириш Институтини мутахассислари (психиатр, невропатолог, офтальмолог, терапевт, гинеколог, ортопед, стоматолог, ЛОР, уролог, кардиолог, травматолог, эндокринолог, ЭКГ и УЗИ мутахассислари) томонидан март ва ноябрь ойларида бир ҳафта давомида Тошкент шаҳар Яшнаобод туманидаги 52-сон болалар ихтисослашган мактаб ўқувчиларини (195 бола) малакали бегараз тиббий кўрикдан ўтказилди.

Шунингдек, яна бир ҳамкоримиз — Ўзбекистон давлат тарихи музейига 3 кун давомида болалар ташрифини бепул ташкиллаштирдик. Бу хайрия тадбирлари инсонпарварлик ва халқимизга хос бўлган меҳр-шафқат руҳида ўтказилди. Ташкилотчи ҳамкорлар, бизнес субъектлари болаларга ўз совғаларини улашиб борди.

2018 йилда Ибн Сино жамоат фонди Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг Давлат гранти танловида қатнашиб, «Абу Али Ибн Сино донолиги — ўсиб келаётган авлодга намуна» мавзусидаги лойиҳаси билан совриндор бўлди. Ушбу лойиҳа мақсадли ва тўлиқ бажарилди.

2019 йилда ҳам Давлат грантини қўлга киритиб, «Жаҳон тиббиётига беқиёс ҳисса қўшган шифокор, олим ва файласуф Абу Али ибн Сино томонидан инсониятга қолдирилган бой меросни ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш» мавзусидаги лойиҳани амалга оширди. Лойиҳа доирасида бобокалонимиз таваллудининг 1039 йилигига бағишлаб 2 000 плакат-календарь, 3 000 буклет, 300 DVD диск ва 10 та катта баннер нашр этилди.

«Абу Али ибн Сино ва Хоразм», «Ибн Сино: сахро жавоҳири» ҳужжатли фильмлари олинди. Бундан ташқари, 2019 йил 20-21 сентябрь кунлари Бухоро шаҳрида Х Халқаро Ибн Сино ўқишлари илмий-амалий анжуман «Абу Али ибн Сино ва замонавий тиббиёт» мавзусида ўтди.

Халқаро анжуман доирасида Ибн Сино жамоат фондини Тошкент стоматология институтини билан ҳамкорлик битими имзолади. Афсона қишлоғидаги Ибн Сино музейига ташриф буурилди. Чет эллик ва маҳаллий мутахассислар томонидан маҳорат

дарслари, маърузалар ҳамда бепул тиббий кўриklar ўтказилди.

Озарбайжон, Бангладеш, Германия, Исроил, Қозғистон, Қирғистон, Россия, Ҳиндистон, Тожикистон давлатларидан олим-мутахассислар тезис ва маърузалар билан қатнашди. Исроил давлатидан Халқаро Ибн Сино фонди Президенти профессор Михаэль Сач ва Ҳиндистондан Ибн Сино Академияси Президенти профессор Змилюр Саид Раҳманга Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти фахрий профессори унвонлари тақдим этилди.

Ибн Сино жамоат фонди ва Фонд илмий маслаҳатчиси доцент Абдукарим Усмоҳўжаев халқаро Ибн Сино мукофоти билан тақдирланди.

Анжуман доирасида фонд ҳамкори «Дунё бўйлаб» давлат телеканали томонидан июнь ойида Бухоро шаҳрида оlingан «Абу Али ибн Сино — сахро жавоҳири» ҳужжатли фильми тақдироти бўлиб ўтди.

2019 йилда Туркия, Ҳиндистон, Хитой олим ва мутахассислари билан учрашувлар ўтказилди ҳамда улар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.

Ҳозирги вақтда 2020 йилда Биринчи Ибн Синошунос олимлар ва мутахассислар Жаҳон конгресси, ўзбек-турк илмий-амалий Форуми ва халқаро фармацевтика илмий-амалий анжуманига тайёргарлик кўрмоқдамиз. Тошкент врачлар малакасини ошириш институти билан ҳамкорликда Фонд қошида халқ табobati марказини очиб масалалари кўриб чиқилмоқда. Шу билан бирга Абу Али ибн Сино бобомизнинг таваллудининг 1040 йиллигини нишонлаш кўзда тутилган.

Амалга оширилиши керак бўлган иш анчагина. Уларни рўйбга чиқариш қўлимиздан келади, чунки барча ташаббусларимиз давлат томонидан қўллаб-қувватланаётганини ҳис қилмоқдамиз.

Бундан ташқари, бир қатор тадбирлар ихтисослаштирилган олий таълим муассасаларида режалаштирилган. Зеро, буюк арбобнинг илмий ҳаётини давомчилари айнан улар. Алоҳида тадбирларни биз иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни касбий ўсишида қулай шароитларни яратиш бўйича олиб борганмиз ва давом эттираемиз. Ишончим комил, тез орада ибн Сино издошларини бутун дунё тилга олади.

Нозимхон МАҲМУДОВ,
Абу Али ибн Сино жамоат фонди бошқаруви раиси

Мулоҳаза

Никоҳ шартномаси

оилавий ажримларга барҳам беради... ми

Инсон учун бахт манзили, бу оила. Уни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш эрхотиннинг бирдек вазифаси. Оила тинч ва хотиржамлиги эса фарзандлар тарбиясига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Нима эксанг шуни ўрасан, деганларидек, оиладаги муҳит, ота-онанинг ўрни, юриш-туруши, ўзларини тутиши камолга етаётган болалар дунёқарашига сингиб бораверади. Шундай экан, оилани муқаддас билан, ўз масъулиятини унутмаганлар бахтли ҳаёт кечирадилар. Бинобарин, бугун амалга оширилаётган ислоҳотларнинг барчаси халқимиз ҳаётини яхшилашга қаратилганки, бу шукроналик ҳисси билан яшашга ундайди. Афсуски, ҳар тўқисда бир айб кўзга ташланар экан. Оилаларда салбий кўрсаткичлардан бири ажримларнинг сони кўпайиб кетаётганлиги ачинарли ҳолат.



лага ўзига хос тарзда ёндошган ҳолда фикр юритишга ҳаракат қилиш, нотинч оилалардаги муаммога ечим топишга ёндошиш, эътибор қаратилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Жумладан, маҳалла фаоллари билан оилавий муаммоларга кўра, ота-онанинг уйда яшаётган аёллар тўғрисида маълумотларни шакллантириб бориш ва оилаларни тиклаш чораларини кўриш, алимент тўлашдан бўйин товлайётган оталарни жамоатчилик тартибида муҳокама қилиб, фарзанднинг моддий таъминлашини назорат қилиш. Ажримларнинг аксарияти қайнона-келин муносабатлари билан боғлиқ эканлигини келиб чиқиб, маҳалла фуқаролар йиғинида «Қайноналар кенгаши» жамоатчилиги тузилмасининг ишини янада фаолаштириш. Қайноналар Кенгаши раиси ва аъзоллигига маҳаллада энг муносиб бўлган аёллардан танлаб олиш. Никоҳ тўғрисида аввал никоҳ шартномаси тузилди юзасидан тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бориш.

Албатта, фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассисларга ижтимоий аҳамияти муҳим вазифалар юклатилган. Ушбу вазифаларни тўлақонли бажариш ва халқ билан мулоқот қилиш улардан юксак билим, малака ҳамда тажриба талаб этади. Хусусан, улар нотикик, ўз фикрини тушунарли тарзда ифодалаш, мулоқот жараёнида тил грамматикасига тўла риоя этиш, оила муқаддаслиги, унинг қадриятларини асраб-авайлаш каби сифатларга эга бўлишлари муҳим.

Оила-муқаддас даргоҳ, жамиятнинг бир бўғини эканлигини инобатга олиб, барчамиз оилавий ажримларнинг олдини олишга бирдек масъулият билан ёндашишимиз лозим.

О. АНАРОВ,
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Ангрэн шаҳар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари



Тошкент солиқ коллежида Корейс ўқув маркази ташкил этилади.


XalqBanki жамоаси

барча юрtdошларимизни ва ҳарбий соҳа вакиллари 14 январь — “Ватан ҳимоячилари куни” билан табриклайди.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо экан, бунда, албатта, ватанимиз посбонларининг ҳиссаси беқиёс. Шундай экан, уларнинг тинчлигимиз йўлидаги машаққатли ва юксак хизматларида улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Мамлакатимиз қалқони бўлиш ҳар бир ўғлонимизга насиб этсин!

Шу билан бирга, халқимизга банкимизнинг янги хизмат турларини таклиф этамиз:

“КОБЕЙЖИНГ” КАРТАЛАРИ

Халқ банки “Кобейжинг” карталари Ўзбекистон ҳудудида миллий валютада, 170 дан ортиқ давлатларда ушбу давлат валютасида нақд пул ечиш ва тўлов қилиш имконини беради. Бунинг учун алоҳида халқаро тўлов картаси очиш ва конверсия қилиш шарт эмас.

“GOLD CREDIT” “КОБЕЙЖИНГ” КАРТАСИ

бу картани очиш 100 000 сўм. Пластик картага хизмат кўрсатиш учун йиллик БХМнинг 1 баробари миқдорида банк хизмати ундирилади. Ажратилган кредит бўйича имтиёзли давр — 30 кун, фоиз ставкасида кредит маблағларидан фойдаланган давр учун йиллик 33 фоиз ундирилади.

“КОБЕЙЖИНГ БИЗНЕС” ВА “КОБЕЙЖИНГ КОРПОРАТИВ” КАРТАЛАРИ

юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга бизнесни ривожлантириш учун янада кўпроқ имкониятлар ҳамда энгилликлар яратиш учун тақдим этилмоқда.



Ватанимиз сарҳадлари осуда бўлсин!



Хорижда ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган Ўзбекистон фуқароларининг болаларини Ўзбекистонга қайтариш тартиби белгиланди.



Микрокредитбанк АТБ жамоаси

*ҳарбийларимиз ва халқимизни
“Ватан ҳимоячилари кунини” билан
самимий қутлайди.*

*Тинчлигимиз асосчилари,
Ватанимиз посбонлари, Юртимиз
қўрғонларининг шижоати ҳар
доимгидан-да баланд, ўзига бўлган
ишончи янада юксак бўлаверсин!*

*Мамлакатимиз сарҳадлари —
чегараларимиз мустаҳкам,
халқимиз осойишта ҳаёт
кечиришига замин бўлган
ҳарбийларимизни касб байрами
билан яна бир бор муборакбод
этамиз!*



Шу билан бирга қулай ва даромадли бўлган

“КУНДАН КУН ЯХШИ”

жамғарма омонат турини таклиф этади!

Ушбу омонат муддати ва фоизлари Сиз истагандек белгиланади!

Омонат маблағлар нақд ва пластик карталар, ҳамда «Mkb mobile»

илловаси орқали қабул қилинади.



Қўшимча маълумотларни банкнинг ҳудудий филиаллардан ёки

☎ (71) 202-99-99 рақами

● www.mkb.uz сайтидан олишингиз мумкин.

УНУТМАНГ, МАБЛАҒИНГИЗ ИШОНЧЛИ САҚЛАНИШИ ДАВЛАТ
ТОМОНИДАН КАФОТЛАНГАН!



Чўққилари осмон ўпган Кавказ тоғларининг бағрида бир ўлка бор. Уни Доғистон дейдилар. Дўппидеккина бу ўлкада қирққа яқин тилда сўзлашадиган бир миллион халқ яшайди.

Бугун ана шу халқнинг шухратини бутун дунёга таратган шоир, муҳаббат куйчиси – Расул Ҳамзатов ҳақида суҳбатлашамиз.

Туғилган вақти: 1923 йил 8 сентябрь
Туғилган жойи: Доғистон, Хунзах райони, Цада қишлоғи
Отаси: халқ шоири Ҳамзат Цадаса
Вафоти: Москва, 2003 йил 3 ноябрь.

Мени севги куйлатди

Расул Ҳамзатовнинг ўзи ёзган эди: Мен қандай ёза олсам, шундай шеър ёздим. Кувонганда кувондим, ранжиганда ранжидим, гамили кунлар гам ютдим, шодлик кунлар тантана қилдим ва албатта, севдим. Менинг юрагим севги оташиди ёнди. Севги эса мени куйлатди. Дардимни гоҳ секин, гоҳ баланд, гоҳ шеърда, гоҳ насрода баён этдим.

Мен икки тулханда доирамни тоблаб, икки даража қаршисида севги куйини чалдим. Айримлар айтгандай шеърят кайфият маҳсули. Кайфият эса об-ҳаводай тез-тез ўзгариб туради, лекин мен сизни ишонтириб айтаман: шу икки чегара ораллиғида охиригача тураман ва умрим сўнгитгача шеър ёзаман.

Бу менинг ижодимдаги биринчи рақамли назорат жойи. Бу туғилган юртимнинг, Доғистонимнинг, бепояён мамлакатимнинг чегараси. Иккинчи чегара бу муҳаббатим чегараси, бу муҳтарам аёлларга боғлиқ эканлигим чегараси, қайсики, уларга севгим чексиз. Бундан кейин ҳам ёзган китобларимни уларга бағишлайвераман.

Хали мен асосий китобимни ёзмадим. Уни ёзишга ҳаракат қилаяпман. На илож, йиллар менинг орузларим ва имкониятларим орасини тобора узоқлаштирмоқда. Аммо сизга такрор айтаман: мен шоирман, севги туйғуси қалбимда описи ошдики, лекин заррача ҳам камайган эмас. Худди йилгирма йиллар олдинги каби барчага баралла айтаман: “Менинг юрагим ишқ ўтида ёнапти”. Бу туйғу менга шеър-қўшиқлар айтмоқда. Уларни албатта, қозғога кўчираман.

Доғистон тимсоли

Дунёдаги ҳар бир қаламқашнинг ижодини тўла намоян эътибори асари бор. Навоийнинг “Ҳамса”си, Руставелининг “Йулбарс терисини ёпинган паҳлавон”и, Шекспирнинг “Қирол Лир”и, Толстойнинг “Уруш ва тинчлик”и, Қодирийнинг “Ўткан кунлар”и,...

“Менинг Доғистоним” Расул Ҳамзатов ижодий баркамоллигини тўла намоян эътибори асар. Расул Ҳамзатов – Доғистон тимсоли. Ҳамзатов бўлмаса, Доғистон қанақалигини, қасрда жойлашганини биров билиши қийин эди. Лекин Расул Ҳамзатов номи тилга олиниши биланоқ, ҳамма “О, Доғистон!” деб ҳайқириб юборди. Бу ном, бу зот тоғли ўлқанинг номини, миллатининг руҳи ва тафаккур тарзи қандайлигини бутун дунёга намойиш қилди.

Шоирнинг шеърлари ўзини, юртини – ҳеч қачон бир-бирига нисбатан душманлик ҳиссини туймаган элатлар яшайдиган ватанини кўкларга кўтарди.

Шоирнинг етти иқдими таралган овози само фарзандлари – тоғликларга хос жўшқинлиги ва ҳассослиги билан тингловчилар кўнглини забт этди, ўзига

мафтун қилиб қўйди. “Россияда ундан зўр шоир йўқ”, деганди Евгений Евтушенко.

“Ҳамзат Цадасанинг ўғли Расул” деб!

Расул Ҳамзатовдан иборалар:
“Илгари шеърлар мақол-у нақлларга айланарди, ҳозир эса мақол ва нақллар асосида узундан-узун шеърлар битиладиган бўлди”.
“Қофиякашлар кўпайган лекин шоирлар жуда оз”
“Шоирлар, ёшидан қатъи назар, тенгдошдирлар”.
“Омади юришмаган шоирлар файласуф бўлишади”.
“Адабиётнинг асосий вазифаси – тинчликни сақлаш, оила, миллат, Ватан тараққиёти. Оила бўлмаса, миллат бўлмайди, миллат бўлмаса, халқ, халқ бўлмаса, Ватан”.
“Адабиётнинг энг катта муаммоси – севгини асраш!”
“Шоир ижод жараёнида охирги марта ёзаётгандек ва биринчи марта севаётгандек бўлади”.
“Ҳажга бордим, Каъбада бўлдим, ибодат қилдим, ҳатто ўшанда ҳам кўнглимдан шеърларни куйиб чиқара олмадим: уларни ибодатга кўшиб, пичирладим”.

чиқ хотиралар тирнайди. Онамга юрагимда асраган сўзларни унинг вафотидан кейин ёздим. “Оналарни асранг” достони – тавба-тазарру, муножот достони. Онамни хотирлаб бўзлар эканман, кўплаб оналарга,

жаллашаётган, урушаётган тоғликлар ўртасига оналар рўмолини ташласа, хунрезликлар тўхтарди.

Мен онасининг юз-кўзини унутган, уйининг тўрига онасининг суратини қўймаган кимсаларнинг виждонли эканлигига ишонмайман.

Эҳтимол, кўпчилик томонидан қабул қилинадиган тушунчаларга сиғмайдиган фикр билдирарман: Ватан ҳимоячилари, қаҳрамонлар, буюк олимлар, улуг шоирлар ҳайкаллари ёнига уларнинг оналари ҳайкаллари тикласак, айни муддао бўларди. Чунки барини оналарнинг беназир меҳри эрқалаб улғайтирган. Биз она дарахтининг новдаларимиз.



Оналар олдидаги узиб бўлмас қарз, уларнинг ўчмас хотиралари тўғрисида “Оналарнинг аллалари” туркум шеърларимда, “Аёллар кўлини ўпаман” достонимда ёзганман, оналар излаган ҳаёт

қувончларини “Аёллар ороли”да топганини армон билан қаламга олганман, оналарнинг қора рўмоли ва уларнинг ойдин қўшиқлари тўғрисида кўплаб шеърлар битганман.

То ҳаёт ипим узилмас экан, оналар ҳақида ёзганим ёзган. Бу мўътабар оналарни шарафлашгина эмас, олдин инсонийлик бурчим, бир фарзанднинг миннатдорлик туйғуси”.

Дмитрий Кабелевский, Ян Френкель, Раймонд Паулс, Юрий Антонов, Александра Пахмутова каби бастакорлар Расул Ҳамзатов шеърларини қўшиқ қилишди. Уларни эса Анна Герман, Галина Вишневская, Муслим Магомаев, Иосиф Кобзон, Валерий Леонтьев, София Ротару, Вахтанг Кикабидзе, Марк Бернес, Дмитрий Хворостовский каби қўшиқчилар куйлашди.

Расул Ҳамзатовнинг кўплаб асарлари ўзбек тилига ҳам ўтирилган ва ўзбек тилида ҳам унинг шеърлари куйланган. Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраев унинг она, аёл ҳақидаги бир қанча қўшиқларини куйлади. “Сардор менман” қўшиғи эса ҳофизнинг энг яхши қўшиқларидан бирига айланган.

Сўнгги шеър Мен у дунёдан қўрқмайман. Кўп нарсаларни айтолмай қолдим деб қўрқаман. Мадорим қуриган. Ўй, фикр кўп, лекин у дунёдан мени йўқлашяпти... Юртдошларим туриб қабр олдида Куратсин: “Аварнинг шоири шул”, деб.

Элим ёдга олсин она тилида: “Ҳамзат Цадасанинг ўғли Расул” деб!

Каримберди ТўРАМУРОДОВ



2020 йил 1 мартдан тадбиркорликнинг ривожланганлик даражасига баҳо бериш тизими жорий этилади.

“Мен, албатта, учувчи бўламан!”

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев томонидан ёш авлодимизда қатъий ҳаётий позиция ва Ватанимиз тақдири учун юксак масъулият туйғусини шакллантиришда мамлакатимизда мактабгача таълимдан бошлаб олий ўқув юртлиригача қамраб оладиган узлуксиз ҳарбий таълим ва ватанпарварлик тарбияси бўйича ўзига хос ноёб ва яхлит тизим яратилмоқда.



шаҳрида жойлашган 26-сонли “Қорпарчалар” мактабгача таълим муассасасига ташриф буюриб, тарбияланувчиларга Ватан озодлиги учун ёвга қарши чиққан буюк — Тўмарис, Спитамен, Муқанна, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темури каби довурак, жасур, ватанпарвар саркардаларнинг жасоратлари ҳақида сўзлаб беришди.

14 январь — “Ватан ҳимоячилари кунини” муносабати билан ўтказилган бу тадбир болажонларда келгусида ўз оиласи, ота онаси, опа сингилларининг тинчлигини таъминловчи жасур ва мард ўғлон бўлиб етишишларини шакллантириш мақсадида ташкил этилди. “Мен, албатта, учувчи бўламан!” мав-

зусида Қуролли Кучлар ҳақида расм чизиш танлови ўтказилди. Танловда барча тарбияланувчилар иштирок этди. 5 ёшли Ҳамрози Шухратов ўзи чизган расмига изоҳ бера экан, Давлат байроғини дунёда доимо юқори чўққиларга кўтаришини, чизган вертолётда ўз ота онасини дунё бўйлаб саёҳатга олиб чиқишини, аскар акаларидек туну кун ота онасини ҳимоя қилишини таърифлаб берди.

Шовқин-сурон, тўполон қилаётган кичкинтойлар ҳарбий кийимларда келганларни, уларнинг эртақларини киприк қоқмасдан тинглади. “Катта бўлсанг, ким бўласан?”, деб сўраганимизда улар бири қўйиб, бири “танкчи бўламан”, “учувчи бўламан”, “чегарачи бўламан”, дея чувиллашарди. Бундан, албатта, биз гурурга тўлаимиз, касбимиздан фахрланамиз. Энг муҳими, келажгимиз эгалари юртини ҳимоя қилиш орзусида улгаётганидан бошимиз кўкка етди.

Нозимжон БУЛТУРОВ,
подполковник

Битта телефон деб, беш йилу олти ой қамоққа...



Аввал ҳам бир неча бор жиноят содир этиб, қамоққа тушиб, жазосини олиб ҳам кўзи очилмаган А.З яна жиноятга қўл урди. Кафеда маст ҳолда Х.Жнинг телефонини кўнғироқ қилиб олиш мақсадида олади-да, қайтариб бермасдан, кафедан чиқиб кетади. Орқасидан қувиб етиб, телефон аппаратини сўраганда уни уриб қочиб кетади.

Калтакланган Х.Жни нотаниш бир йилгит ариқдан чиқишига кўмаклашиб, тез тиббий ёрдамни қақиради шифонада унга биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатилиб, у ерда 6 кун даволанади. Шифонадан бошпига 14 чок тушади. Айтишича, уйда ҳам 2 ой даволанган.

Қутилиб кетганига ишонч ҳосил қилган А.З телефонни қарзи бўлган таниши М.Шга 300 минг сўм эвазига сотиб юборади. Эътиборли жиҳати шундаки, М.Ш ҳам телефон аппарати 1 миллион сўмдан кам турмаслигини жуда яхши биларди. Шунинг учун вақтни ўтказмасдан у ҳам бошқа бир аёлга сотиб юборади.

Суд жабрланувчи Ж.Жнинг қайтариб берилмаган телефон аппаратининг қиймати ва даволанишига сарфлаган харажатларни ундириб бериш ҳақида даъво талабларини муҳокама қилиб, телефон аппаратининг қийматини ундиришни белгиледи. Даволанишга сарфлаган харажатлар юзасидан тегишли тартибда тўлов ҳужжатлари тақдим этилгандан сўнг фуқаролик ишлари бўйича судга муурожаат қилиши кераклиги айтилди. Демак, жиноят иши якунлангандан сўнг фуқаролик иши бўйича яна суд бўлиб ўтади. Бундан кўринадики, битта телефон аппарати орқасидан келиб чиққан машмаша учун қўшимча жазо ҳам муқаррар.

А.З. узил-кесил ўташ учун 5 (беш) йил 6 (олти) ой муддатта озодликдан маҳрум қилинди. Тайинланган жазо қаттиқ тартибли колонияларда ўталадиган бўлди.

Тимур КАСИМОВ,
Жиноят ишлари бўйича Яққасарой туман суди судьяси

Имконият

МУЛК ЎЗ ЭГАСИНИ ТОПСА...

Жамиятнинг иқтисодий юксалиши унинг мулкчилик муносабатларига бевосита боғлиқ. Бинобарин, қайсики давлатда фуқароларнинг мулки қанча кўп бўлса, у шунча бой бўлади.



хусусий мулк қилиб сотилган объектларда рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни ташкил этиш мақсадида Президентимиз томонидан қабул қилинган “Тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш учун давлат мулки объектларини сотишни жалдлаштириш ва унинг тартиб-таомилларини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 17 январда қабул қилинган Фармонини ҳамда шу асосдаги “Давлатга тегишли объектларни ва активларни хусусий мулк қилиб сотишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йилдаги қарори амалиётга кенг тартиқ қилингани тадбиркорлар учун қўлай имкониятнинг вужудга келтирди.

Юқоридаги қарорнинг амалий ижроси сифатида Навоий вилоятда ҳам кўплаб ишлар амалга оширилди. Вилоятнинг иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқадиган бўлса, ҳудудда фойдаланмасдан бўлиб турган, “ўз эгасини кутаётган” объектлар инвестиция маблағлари қиритилишига муҳтож эди.

Яратиб берилган шарт-шароитлардан фойдаланган ҳолда Зарафшон

шаҳрида рўйхатдан ўтган «SULTAN-ALI EXPRESS TOUR» МЧЖ томонидан Навоий КМК ДК Марказий кон бошқармаси балансида бўлган 2125 тонналик музлаткич омбори, бино ва иншоотлари 2 йил давомида 1307,0 млн сўм инвестиция қиритиш ҳамда 10 та янги иш ўринларини яратиш эвазига “ноль” харид қийматида сотиб олинган эди.

Бугунги кунга келиб, жамият томонидан инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар тўлақонли бажарилиб, объектда 3,8 млрд сўмлик қурилиш таъмирлаш ишлари якунланди ва 12 та янги иш ўринлари яратилиб, ун маҳсулотларини ишлаб чиқариш тегиримини ўрнатилди.

Жамият томонидан инвестиция мажбуриятларини бажариш мақсадида қўшни Қозоғистон Республикасидан буёқ хом ашёси олиб келиниб, ички бозорни арзон ва сифатли ун ва ун маҳсулотлари билан таъминлаш йўлга қўйилди.

Келгуси йилларда ҳам жамият ўз иқтисодий салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда нафақат ички, балки ташқи бозорга ҳам сифатли ун ва ун маҳсулотларини етказиб бериш, шунингдек, тайёр нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, янги иш ўринлари яратишни режалаштирмоқда.

Шоназар РАВШАНОВ,
Навоий вилоят Давлат активларини бошқариш бошқармаси 1-тоифали мутахассиси.



Энди тўлов-контрактнинг 50 фоизи тўланган, абитуриент ОТМга ўқишга қабул қилинади.

Қалб шифоси

Ҳаётимизга шиддат билан кириб келган юксак замонавий технологиялар, компьютер, интернет ва ҳоказолар сабабли, биз негадир сўнгги йилларда бадиий китобларни жуда кам ўқиймиз. Эрталаб ишга, ўқишга, кечқурун уйга шошиш жараёнида кўрганимиз, автобус ёки метрода ёшларимиз ўзлари билан ўзлари овора, боиси қафтидаги “дунёни” мазза қилиб томоша қилиб кетавердилар. Уларнинг қўлида китоб эмас, энг сўнгги русумдаги телефонлар.



Кечагидай кўз ўнгимда: Райимбой акамнинг касби ўқитувчи эди. Қишнинг узун кечаларида то тонггача китоб ўқирдилар, уйимизнинг бир хонасида акамнинг махсус китоб жавони бор эди. Акам бу китобларни кўз қорачигидай асраб, булар менинг хазинам, бойлигим, жавоҳирларим, менинг сирдош дўстларим дердилар. Биз опа-сингиллар ҳам бу китобларни ўқиб чиқиб, асар қаҳрамонларини муҳока-

ма қилиб бир-биримиз билан гоҳо пайтлар тортишиб ҳам қолардик. Тўғриси ҳозир бадиий китоблар ўқишга гўёки вақтимиз етмаганидек ўзимизни ҳис этамиз. Гўёки вақт тез ўтиб кетаётгандек. Ишга шошамиз, илмий ишлар билан бўлиб, баъзи вақтлар лабораторияларда ярим тунгача қолиб ҳам кетамиз, шифокорлар, ўқитувчилар, турли касб эгалари ҳам халқимиз хизматида бў-

либ, ўз ишларига муккасидан кетиб, кеч бўлгач ишдан уйларига шошадилар, рўзгор, болам-чақам, пишир-куйдир ва ҳоказо. Озгина вақтлари бўлса сериаллар оламига шўнғиб кетадилар. Эртасига ишга келсангиз, ўша сериаллардан сўзлайдилар.

Ваҳоланки китоб ўқиган инсоннинг онг-тафаккури юксак, дунёқараши кенг бўлиб, мукамалликка, комилликка интилиб яшайди. Китоблар, аслида, қалб шифосидир демоқчиман, холос.

Бир китоб ўқиб...

Яқинда туғишган синглим-дек қадроним, журналист ва шоира Озода Бекмуродова китоб совға қилди. Бошим осмонга етди. Бу адиб ва шоир Абдусайд Кўчимовнинг “Буни ҳаёт дейдилар” китоби эди.

Китобни ўқир эканман, кўзларим намланиб йиғи келаверди, тўйиб йиғлаб ҳам олдим. Бу китоб шунчаки ёзилган эмасди.

Китобда Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Ўткир Ҳошимов, Шукрулло, Барот Бойқобилов, Маъруф Жалил, Пирмат Шермухамедов, Маҳмуд Саъдий каби забардаст инсонларнинг тириклик чоғларида қурган суҳбатлари, улар билан бирга жаннатмакон юртимизнинг олис сўлим қишлоқлари, туманлари ёки олийгоҳ талабалари даврасида бўлиб ўтган бадиий кечалардаги теран таассуротлари, устозлари босиб ўтган машаққатли, аммо нурли йўллари ёрқин, софлигича баён этилган.

Табиатга ошно кўнгиллар

Яратган она табиатимизни шундай бекам куёт, мислсиз яратганки, унинг минглаб турфа гиёҳлари, оқар дарёлари, пурвиқор қорли юксак тоғлари, мусаффо булоқлари азал қадимдан шоирларга, адибларга, мусаввирларга чексиз илҳом манбаи бўлиб келган.

Сиз агарда табиатга меҳр ила боқиб ошно бўлсангиз, бутун борлигини сизга инъом

этади. Ахир, улуг бобокалон шоирларимиз ана шу гиёҳлар, гулу чечаклардан завқ олиб гўзал байтлар, гўзал мисралар ёзиб улуг мерос қолдирганлар, табиблар, алломалар гиёҳлар тилини билиб, улардан дори малҳамлар тайёрлаб хаста беморларни даволаб, уларни хасталиклардан халос этганлар.

Ардоқли адибимиз Абдусайд Кўчимов тоғ гули — кийикўтни шундай таърифлайди ва уни Маҳмуд Саъдийга ботиний яқинлик билан қўслайди. “Кийикўт лолаю бинафшалар сингари доврўғи бўлмаганидек, Маҳмуд Саъдийнинг номи ҳам номдор шоирлару донгдор ҳофизлар сингари машҳур эмас. Бироқ олим журналистлар орасида шоҳона хурмат борлиги ижодкор аҳлига ойнадай маълум: ҳамма танийди, ҳурмат қилади, билади, қадрайди. Бу инсон деб аталган хилқатга берилган юксак баҳо эмасму ахир. Маҳмуд Саъдийнинг меҳр булогидан баҳраманд бўлиб келаётганларнинг бири сифатида ҳамиша устозга қуллуқ қиламан. Қани энди тоғларимизда кийикўтдек шифобахш гиёҳлар, ҳаётда эса Маҳмуд Саъдийдек “дарвешлар” кўпроқ бўлса” дейди муаллиф.

Абдусайд Кўчимов Одил Ёқубовнинг шифохонада ётган ҳолатини кўз олдига келтиради: “Эшикдан чиқаётганимизда бир гап айтмоқчидек бўлганди. Нима демоқчи экан? Биз қаридик, ибтидоси бўлган ҳар умрнинг интиҳоси ҳам бор деганмикан? “Буни ҳаёт дейдилар!” деб жилмайганмикан ёки? Ҳа, тўғри, устоз ўшанда худди шундай деган. Буни ҳаёт дейдилар!”

Хуллас, бу китобни ҳажжон ила ўқиб чиқар эканман, ўзимда маънан, руҳан юксалиш ҳис қилдим. Айтмоқчиманки, бу китобни ёшлар ўқиб ибрат олсин.

Марҳамат МАТВАФЕВА

Оғриқ

ёшида 6 ёшли қизчани зўрлаб қўяётган йигитчалар биланми?

...Шунақа ҳодисотларга ҳозирги санъатнинг даҳли йўқ, десангиз, адашасиз. Ярим яланғоч клиплар-у, отаси бой бўлиб, кўнгилхушлиқда яшайдиган олифта қиз ҳақидаги матрасиз кинолар шуурида улғаяётган авлоднинг бугуни бундай, эртасини билмадим.

Санъатни саноатга айлантирдик.

Саноатда эса ташлаб юборишга лойиқ чиқиндилар чиқарилaveraди...

Мадина МЎМИНОВА

Санъат саноатга айланса...

Телевизор пультаини қаёққа олманг, санъаткорларнинг ашъоридан бўшайми. Ноз-карашма, ишва билан ётоқхонада уяладиган ишларни клипларга олиб чиқиб бизнинг тоза, пок зурриётларимизни йўлдан уряпти, онгини заҳарляпти, ҳисларини уйғотиб қўяпти. Кимдир кимгадир ўйнаш, кимдир ким биландир беникоҳ яшовчи, ҳаёти мағзава. Энг ёмони, ёшларга ўрناق сифатида ҳаёти ва ижоди, интернет нашрларида ёритилади.

Мен уларни зўрга улғайти- раётган фарзандларимизнинг онги, тоза ҳаёсини, ҳаётини бузувчи бузгунчилар деган



Хитой ва АҚШ инвесторлари Самарқанд вилоятида қадокланган сув, шарбат ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхона қуришни режалаштирмоқда.

Б-ҲАВО

10 январь	11 январь	12 январь	13 январь	14 январь	15 январь	16 январь
+9°C	+9°C	+6°C	+6°C	+8°C	+5°C	+3°C
+3°C	+3°C	-1°C	-2°C	0°C	-1°C	-1°C

ob-havo.uz сайтидан олинган.

ЖАМИЯТ

Муассислар:

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази.
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.
Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.
Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди.
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.
“Маҳалла” хайрия жамоат фонди.
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
Ўзбекистон экология ҳаракати.
Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.
“Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society” журнали.

Бош муҳаррир
Максуд ЖОНИХОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Рустам Комилов
Борий Алихонов
Акмал Саидов
Шавакат Жавлонов
Ақтам Ҳайитов
Адҳам Икромов

Газета тахририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.
“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма хонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-114 Адади: 1555.
Жума куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ. Баҳоиси келишилган нархда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.
ISSN 2010-7722

Навбатчи: Нуриддин Убайдуллаев

Дизайнер: Бегали Эшонқулов

100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар: (71) 233-72-77, 233-91-55
Реклама ва эълонлар учун: Электрон почта: jamiyat@umail.uz
Газета индекси — 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
ЎЗА яқуни:
Топширилган вақти: 19:55
1 2 3 4 6